

Буюк Британияда Ислом дини бўйича масофавий таълим йўлга қўйилади



10:43 / 11.02.2019 1942

Кардифф университетининг Ислом ва инглиз тадқиқотлари маркази ислом динига қизиқувчилар учун масофавий таълим курсларини йўлга қўймоқда. Бу ҳақда IQNA хабар беради. Биринчи бор ташкил этилаётган “Англияда ислом: ўзгаришлар ва қийинчиликлар” мавзусидаги ушбу курслар жорий йил 5 мартдан бошланиб, тўрт ҳафта давом этади. Дарсларни университетнинг исломшунос, тилшунос ва руҳшунос олимлари олиб боради. Курснинг асосий мақсади мусулмон бўлган кишиларга исломни яқиндан танитиш ва мусулмонларнинг ҳолати бўйича батафсил маълумот беришдан иборат. Шунингдек, Англияга илк кириб келган мусулмонлар, ислом давлатлари билан Буюк Британиянинг алоқалари, инглиз мусулмонларнинг жамият равнақи йўлида олиб бораётган ишлари ҳақида маълумотлар бериб борилади. Хоҳловчилар курсларга аъзо бўлиши мумкин.

***Islom.uz* портали таҳририяти**